



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

## ЗАР ҚАДРИГА ЕТАМАН ДЕСАНГ, „ОҚ ОЛТИН“ИМИЗНИНГ БИР ГРАММИНИ ҲАМ ЕРДА ҚОЛДИРМА!

### РЕСПУБЛИКА ИЛҒОР ТАЖРИБА МАКТАБИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ўзбекистон ЛКСС Марказий Комитетининг Тошкент области Юқори Чирчиқ районидagi «Политотдел» колхозининг Любови Ли бошлиқ маккажўхориқор бригадаси базасида республика илғор тажриба мактаби ташкил қилиш тўғрисидаги таклифнинг маъқулланиши.

«Узсельхозтехника» бирлашмасига илғор тажриба мактабининг нормал ва самарали ишларини ташкил этиш учун «Политотдел» колхозига зарур миқдорда техника ва бошқа моддий техника воситалари ажратиш топирилди.

Область ва район партия комитетларига республика илғор тажриба мактабига юбориш учун энг яхши ёш механизатор — маккажўхориқорларини ташлашда комсомол ташкилотларига ёрдам бериш тавсия этилди.

Колхоз ва совхозларга илғор тажриба мактаби тингловчиларига ҳар бир кун учун биттадан меҳнат кўни ёзиш ҳамда командировка харажатларини мавзуд нормаларга мувофиқ тўлаш тавсия этилди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ-ҳўжалик министрилик зиммасига илғор тажриба мактабини ташкил қилиш ва ўқувчиларини амалий машғулотларга олиб бориш билан боғлиқ бўлган харажатларини қоплаш учун маблағ ажратиш, шунингдек, илғор тажриба мактабига машғулот ўтказиш учун Фанлар академиясининг, илмий-текшириш институтлари ва тажриба станцияларининг кўзга кўринган олимларини, ишлаб чиқариш илғорларини — машааларни жалб қилиш вазифаси юклатилди.

Республика автомобиль транспорти ва тош йўллар министриликка ўқувчиларни ташиниш учун мактабни транспорт билан таъминлаш топирилди.

«Ўзбекбирлашув»га «Политотдел» колхозида илғор тажриба мактаби ўқувчиларини учинчи охишона очиб ва ётқонхонани ҳўролаш учун колхозга зарур буюмларни сотиш топирилди.

Илғор тажриба мактабининг ўқув плани тасдиқланди.

### Олға интилаётганлар

Комсомол районидagi «Социализм» совхозининг 3-бўлими ишчилари 29 октябрдаёқ пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажариб, давлатга 1050 тоннадан ортиқ пахта топширган эдилар.

Бўлим пахтакорлари эришилган ютуқларини янада мустақамлаш мақсадида йиғим-теримни давом эттирмоқдалар.

Дала ишларини конвейер усулда ташкил этиб, ҳосилни сўғитиш грамматига йиғиб олиш учун бошланган курашда ёртоқ А. Пардабоев бошлиқ бригада ишлари айниқса гайрат-қўратмоқда. 90 гектар ерда мўл ҳосил этиштириб, планини 135 процентдан ошириб бажарган бу бригада шу кунларда ҳам суръатини бўшақтирмаёт.

Бўлимда ҳосилдан бўшаган ерларни шудгорлаш кучайтириб юборилди.

У. АДАМҚУЛОВ.

### ПОЙТАХТ КОМСОМОЛЛАРИНИНГ БАТАНПАРВАРЛИК ТАШАВВУСИ

10 МИНГДАН ОРТИҚ КОМСОМОЛ АЪЗОСИ ОБЛАСТЬ ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

Шу кунларда областининг пахта фронтда кураш тобора қизиги тус олмоқда. Пахта тайёрлаш далаи планини бажаришга учун яна қариб 18 минг тонна «оқ олтин»ни териб олиш керак. Вақт тизгиз бўлиб қолди. Ҳаво очик кунлар ғанимат.

Республикаимиз пойтахтининг батанпарвар комсомоллари ана шу далабур кунларда ажойиб батанпарварлик ташавбуси билан майдонга чиқдилар — улар ўз сафларидан 10 мингдан ортиқ кишини ажратиб, область пахта даладарига йўладилар.

Ҳар йилгидек бу йил ҳам Ленин райони комсомоллари бу ажойиб ҳаракатда авангардлик кўрсатдилар. Район комсомолларининг 1200 нафаси — Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонт заводи, трамвай-троллейбус трести, электротехника заводи, темир йўл бошқармаси, қозғоқ комбинати, «Қизил тоғ» фабрикаси ва бошқа корхона ҳамда муассасаларнинг гайратли ишчи ва хизматчилари Сирдарё райони пахта даладарига чиқдилар.

Октябрь райони зарбдор комсомоллари сони ҳам минг кишидан ошиб кетди. «Оқўрғон» совхоз даладарига чиққан чинчи заводи ва тикувчилик фабрикалари, трикотаж ва пойафзал фабрикалари, кўн заводи ва гўшт комбинати каби корхоналарнинг илғор ишчилари пахта теримда фидокорлик намуналарини кўрсатмоқдалар.

Шунингдек пойтахтининг Киров, Куйбишев, Фрунзе районларидан ҳам бир неча минг ёшлар пахтаси тўла йиғиштириб олинмаган даладарга чиқиб жаловон уриб ишламоқдалар.

Шаҳар комсомол зарбдор бригадаларига комсомол ташкилотларининг секретарлари, коммунист меҳнат бригадаларининг бошлиқлари ва коммунист меҳнат зарбдорлари бошчилик қилмоқдалар.

Пахта учун курашнинг энг ҳал қилувчи ва қийин палласида бажониқил ёрдамга отилиб чиққан Тошкент комсомолларига пахтакорлар:

— Балли, тошкентлик йиғит қиллар, демоқдалар.

## ҲОСИЛДАН УМИД ЎЗГАНЛАР

Янгибўл райони маррага қўйиб қўйиб қолди. Райондаги илғор колхозлар планини бажариб мажбурият ҳисобида ҳосил топширмоқдалар. Хрушчев номли, «ХИП» парстеаде, «Ленинград», «Коммунизм», Ленин номли колхоз пахтакорлари районининг юқини енгилатиш учун катта ҳисса қўшмоқдалар. Улар районини кўтариш учун интиломоқдалар.

Лекни ҳамма колхозларда ҳам шундай ҳаракат қилинаёт. Деб бўлмайд. Бундай ҳўжалиқларда ишдан кўра вақтар, сабаблар кўп. Бунга Калинин номли колхозини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу колхозда 1210 гектар ерда чигит экилиб, ҳар гектар ерда 28,2 центнердан ҳосил этиштиришга аҳд қилинган эди. Колхознинг илғор бригада аъзолари мўл ҳосил этиштириш учун астойдил курашдилар. Ўртоқ Мухамедов бошчилик қилаётган бригаданинг аъзолари ҳар гектар ердан 38 центнердан ҳосил олиб йиллик планини 121 процент адо этдилар.

Ёртоқ Ж. Сафаров бошлиқ бригадани ҳам ҳосилдорлик 38 центнерга етди. Илгари кам ҳосилли устакта деб ҳисобланган «Қизил Шарқ» участкасидаги Ўртоқ Олмоҳонов бошлиқ бригадани эса гектар бошига 30 центнердан пахта ҳосили олинди.

Бироқ колхознинг кўпчилик бригадаларида иш яхши ташкил этилмаганидан пахта ўрнига вақтар кўпайиб кетди. Шунинг учун бу колхоз райони кўтаришга эмас, орқага тортишга «ёрдам» бераётган.

Колхознинг 1, 2, 5, 6 ва 8-бригадаларида ҳали пахта кўп, лекни қолган ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олиш, келгуси йил мўл ҳосилли учун замин ҳўзирлашга мўтлақ эътибор берилмаёт. Далада ишлайётган кишиларнинг сони, уларнинг иш унуми камайиб кетган. Масалан Ўртоқ Бадалов бошлиқ бригаданида кўнига 35 киши ўрнига 25-30 киши ишга чиқади. Уларнинг ҳар бири кўнига бор йўғи 30, 32 килограмдан кўрак таради.

Б. ХАЛИЛОВ.

«Тошкент ҳақиқати»нинг муҳбири.

### Шудгорлаш қизғин бормоқда

Механизаторлардан Облоқул Эрдон, Бегим Алиевлар ҳар кўни 8-10 гектар ерни сифатли шудгор қилиб, кўпчиликка намуна бўлмоқдалар. Янгиер районидagi «Фарҳод» совхоз 3-бўлимининг Ўртоқ Н. Қоратоев бошлиқ бригадининг бу азамат ишчиларидан ҳар қанча ўртак олса арзийди.

— Бригадаимиз бўйича, — дейди бригадир Ўртоқ Н. Қоратоев, — 105 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил йиғиб олинди. 160 тонна пахта машиналарда терилди. Яна 2—3 центнердан пахта топирамаиз деган ниятимиз бор. Дала ишларини конвейер усулда ташкил этиб, шудгорлашни ҳам қизитиб юборганимиз.

Ҳақиқатан ҳам бу бригада даладарига иш қизғин. Бир томондаги картада ҳосилнинг сўғити граммлари йиғиб олинмоқда. Бир томонда аса ер ҳайдаш қизғин бормоқда.

Шу кунларда бўлим даласида 6 та ДТ-54, 2 та С-80 маркали трактор ишлаб турибди. Ҳозиргача бўлим бўйича 200 гектардан ортиқ ер шудгор қилинди. Механизаторлар қудай фурсатдан унумли фойдаланиб, шудгорлашни узғи билан 8 декабрда тугаллаш учун курашмоқдалар.

А. БОЙМУРОДОВ.

## ПАХТА — МИЛЛИЙ ИФТИХОРИМИЗ

ОБЛАСТ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 4 ДЕКАБРАГА БУЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планига нисбатан процент ҳисобида)

| Районларнинг номи | Бир кунда | Маъсум бошдан бери |
|-------------------|-----------|--------------------|
| ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ      | —         | 123,78             |
| ҚУЙИ ЧИРЧИҚ       | 0,22      | 118,47             |
| ОРЖОННИКИДЗЕ      | —         | 108,76             |
| ЯНГИЕР            | 0,25      | 103,23             |
| УРТА ЧИРЧИҚ       | 0,04      | 101,34             |
| ЧИНОЗ             | 0,01      | 100,70             |
| ПИСКЕНТ           | 0,03      | 100,07             |
| Янгибўл           | 0,12      | 99,30              |
| Комсомол          | 0,28      | 94,74              |
| Бўжа              | 0,13      | 92,82              |
| Сирдарё           | 0,12      | 92,52              |
| Оқўрғон           | 0,18      | 90,44              |
| Бекобод           | 0,17      | 88,57              |
| Гулистон          | 0,26      | 74,49              |
| Область бўйича    | 0,14      | 96,29              |

Суратларда: (чапдан) Ўрта Чирчиқ районидagi «Северный маяк» колхозида шудгорлаш пайти. Шу райондаги Оқубобоев номли колхознинг «Авангард» участкасида захкаш ерларнинг сувини қочириниш учун зорулар қазилмоқда.

М. Нуриддинов фотолари.

## Совет демократиясининг тантанаси

Бугун совет ишчилари ўз ҳаётларидаги улғу айём кўнларидан бирини — бахт-саодатининг равшан кўзгуси бўлган СССР Конституцияси кўнини аър хурсандчилик билан байрам қилмоқдалар.

СССР Конституцияси кўни бу йил гўл кўвончли воқеалар рўй берган бир назиятда нишонланмоқда. Яқиндагина ўз ишини тугатган ҳамда бутун жаҳон жамоатчилиги эътиборини жалб қилган шонли Ленинчи партия-мизнинг XXII съезди ана шу воқеаларнинг энг буюғи бўлди.

КПСС XXII съезди инсоният тарихида янги давр — коммунизм қурилиши даври бошланганлигини бутун дунё олдиди таъналан равишда эълон қилиш билан бирга, оламшумул-ғарий аҳамиятга эга бўлган муҳим ҳўжжатларини қабул қилди: партиянинг янги Программаси ва Устави, кенг муҳокама қилди ва тасдиқлади.

Партия Программаси — замонамизнинг буюк коммунист манифести. Унда мамлакатимизда коммунист жамият қурулиши асосий йўллари белги-дан берилди, инсониятнинг бундан кейинги тараққиёти учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган бир қанча назарий қондалар ва проблемалар ўртага қўйилди. Шунингдек, КПСС Программасида социалистик демократияни янада ҳар томонлама кенгайтириш ва тақомиллаштири-шининг, давлатни бошқариш демократик принципларини тағин ҳам ривожлантиришининг, социалистик ҳўқуқ-тартиботлар-ни янада мустақамлаш, шахс эркинлигини ва совет гражд-ларининг ҳўқуқларини бутун чоралар билан ривожлантири-шининг йўл-йўриқлари равшан кўрсатилган.

Совет демократиясининг буюк ҳаётбахш кучи шунданки, у оддий меҳнаткаш инсон тўғрисида, унинг бахт-саодати ва яхши турмуш кечирishi, шахсининг ҳар томонлама ўсиши тўғрисида астойдил ғамхўрлик қилиш руҳи билан сўғорилган. Фақат совет социалистик тузуми меҳнаткаш инсонни юксакликка кўтарди, унинг ҳаётини янги мазмун билан бойитди унинг талант ва мобилизациянинг тўла юзга чиқishi учун чексиз им-кониятлар яратиб берди.

Ватанимиз гражд-ларининг асосий ҳўқуқлари ва бурчлари СССР Конституциясида олтин харфлар билан ёзиб қўйилган. Бизнинг мамлакатимиздаги

ҳамма гражд-лар меҳнат қилиш, дам олиш, илм олиш ҳўқуғига, қариган чоғда, шунингдек касал бўлган ёки меҳнатга яроқсиз бўлиб қолганда моддий таъминот олиш ҳўқуғига эга-дирлар.

СССР барча гражд-ларининг миллати ва ирқидан қатъий назар, мамлакатимизнинг ҳўжа-лик ва давлат, маданий ҳамда иқтисодий ҳаётининг ҳамма со-ҳаларида ўзаро тенг ҳўқуққа эга эканликлари қонун билан мустақамланган.

Бизнинг мамлакатимизда ки-шининг киши томонидан экс-плуатация қилинишига абадий хотима берилган, ирқий камсити-ш, миллий ва социал зулм бутунлай барҳам топган.

Миллий масаланинг ҳал қили-шини социализмнинг буюк ютуғи бўлди. Мамлакатимизда-ги барча миллатлар ва халқлар қўли-қўлга бериб, аҳил оилада яшамоқдалар ва умумий мақсад йўлида биргаликда курашмоқ-далар.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев мамла-катимиз халқларининг қардош-ларча дўстлиги ҳақида бундай дейди: «Шарҳи: вақт тоғияи имирди, сув тоғияи кемиради, дейдилар. Ленин Совет халқ-ларининг дўстлиги вақтига бўй-сумайди. Йиллар ўтган сари бу дўстлик тобора мустақам-лана беради. СССР халқлари-нинг Ленинча дўстлигини мус-тақамроқ ҳеч бир материал табиатда йўқ».

Халқ — мамлакатнинг чинакам ҳўжайини. Ҳамма нарсани халқ-нинг ўзи яратди ва юзга кел-тирилган ноз-неъматларини г барчасидан унинг ўзи тўла баҳраманд бўлади. Капиталист-тик мамлакатларда оғир ҳаёт кечираётган халқлар бу ҳақда фақат орзу қилишлари мумкин. Бу эса совет кишиларида соци-алистик тузумга, Совет давлати ва Коммунист партияга бўл-ган меҳр-муҳаббат ҳамда фаҳр-ланиш ҳис-туйғуларини янада оширади.

Империалистик доиралар ва уларнинг идеологлари совет демократиясининг жозибаси кучи тобора кенг ёйилиб бораётган-лигини, биздаги демократик принциплар бутун дунё халқ-лари қалбидан борган сайин чуқурроқ жой олаётганлигини кўр-моқдалар ва ташвишлан-моқдалар. Шунинг учун ҳам улар совет демократиясини қо-ралаб кўрсатишини, унга бўҳ-тонлар қилишини давом эттираё-

## КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ V ЖАҲОН КОНГРЕССИ

МОСКВА, 4 декабрь. (ТАСС). Бугун эрталаб соат 10 да Крем-лин Свездлар саройида касаба союзуларнинг V жаҳон конгресси ўз ишини бошлади.

Жаҳон касаба союзулари фе-дерациясининг раси Агостино Но-ведла қисқача кириш-нутқи сў-заб, бутун дунё меҳнаткашлар-нинг ассамблеясини очди.

ВПСР раси В. В. Гришин конгресс қатнашчиларини СССР касаба союзулари номидан, мамла-катимизнинг миллион-миллион иш-чи ва хизматчилари номидан та-брикланди.

Сўнгра конгресснинг кун тар-тиби ва иш тартиби бир овоздан тасдиқланди.

Конгресснинг кун тартибиди қуйидаги масалалар бор:

1. Жаҳон касаба союзулари фе-дерациясининг фаолияти ҳамда

тинчлик учун, империализмга қар-ши, тинч-тотув яшаш учун, ёпа-сига ва батамом нурулсизланиш учун, меҳнаткашларнинг иқтисо-дий ва социал талабларини ҳимоя қилиш учун курашда касаба со-юз ташкилотларининг ҳозирги вази-фалари.

2. Халқларнинг мустамакачи-лигини тутатиш йўлидаги курашда касаба союз ташкилотларининг фаолияти ва бирдамлигини кучай-тириш.

3. Молиявий ҳисобот.

4. Жаҳон касаба союзулари фе-дерациясининг раҳбар органларини сайлаш.

Биринчи масала юзасидан до-лад қилиш учун Жаҳон касаба союзулари федерациясининг бош секретари Луи Сайяга сўз бери-лади.

## Пропагандист ходимларнинг республика семинари


Пропагандист ходимларнинг КПСС XXII съезди қарорлари ва материалларини пропаганда қилишга бағишланган республика семи-нари таом бўлди. Семинар Ўзбекистон Компартияси Марказий Ко-митети томонидан қаърилан эди.

Семинар қатнашчилари партия XXII съезди илгари сурган асосий проблемалар юзасидан доклад ва лекциялар тингладилар, пропаганда иш тажрибаси билан ўртоқлашдилар. Ўзбекистон пой-тахтидаги Сисей маориф уйи ва кабинетларининг фаолияти билан танишдилар.

Семинарда мамлакатнинг дондор механизатори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. Топко ва Юқори Чирчиқ районидagi машҳур «Политотдел» колхозининг раси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Г. Хван қишлоқ ҳўжалигини олиб боришини илғор усуллари ҳа-қида таъбир бердилар.

Семинарда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари З. Р. Раҳимбойева «КПСС XXII съезди қарорлари асо-сида идеология иш масалалари» тўғрисида доклад қилди. (ЎЗАТА).





«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

ҚУШИҚ

(Пахтакорлар тилидан)

Қўшиқ дилга пайнаста,  
Богда гул очар қўшиқ.  
Меҳнат, ором, тўйларнинг  
Едусин соҳар қўшиқ.  
Қўшиқ ғайрат, матонат,  
Жонбозликдан ифода.  
Қўшиқ билан тоблар,  
Синмас, пулат ирода.  
Ғолиб қўшиқ айтирган,  
Оқ олтиннинг рағбати.  
Қалбин куйга тўлдирган,  
Олпоқ нур муҳаббати.  
Қўшиқ айтиб баралла,  
Юрт бойлигини мўл қилдиқ.  
Элга йўллаб оқ олтин,  
Биз неъматга қўл қилдик.  
Қўшиқ айтиб, пахтадан, —  
Тинчлик нури соҳамиз.  
Оқ олтиндан дўстларга  
Иссиқ кучоқ очамиз.  
Хар қўшиқда Ватанинг  
Илҳом бор, куйи бор.  
Ўлмас, улуғ Лениннинг  
Ақду идрок, ўйи бор.  
Қўшиқ айтиб, чўққидан,  
Чўққиларга ўрлаймиз.  
Коммунизм биносини  
Олтин нур-ла бурқаймиз.  
Қўшиқ билан тугилдик,  
Қўшиқ билан яшаймиз.  
Қўшиқ айтиб доимо  
Олга қадам ташлаймиз.

Рўзи ҚОДИРИЙ.

ИБРАТЛИ ГАПЛАР

◆ Яхши дўстинг бўлмаса,  
У хатоларингни билмайсан.

◆ Кун сайин бойитиб бо-  
рилмаган билим кундан-кунга  
камайиб кетаяверади.

◆ Агар шовқин-сурон би-  
лан уй қуриш мумкин бўла-  
нида, эшик ўзига бутун бошли  
сарой қуриб оларди.

◆ Бошқалар олобда ўзини  
ақлли қилиб кўрсатишга ҳадеб  
уринавериш ақли бўлишга  
ҳалақит беради.

◆ Билимдон одамнинг кўзи  
бўлди ва у бир нарсани дар-  
ҳол кўра қолди. Жоҳил одам-  
нинг эса қошлари остида ик-  
ки та тешик бўлди, холос.

◆ Бирикинчи станицани кўтар-  
ганда киши винони ичади, ик-  
кинчисида вино винони ичади,  
учинчисида эса вино кишининг  
ўзини ичади.

Биласизми?

▲ Ер юзига ҳақонини бўйхатта олиш  
биринчи марта Қадимий Мисрда, эра-  
мигача бўлган уч минггача йилда ўт-  
казилган. Кейинчалик ҳақонини бўйхатта  
олиш Қадимий Гитой, Вавилония, Эрон,  
Қадимий Рим ва Қадимий Грекияда  
ҳам ўтказилган. Бу бўйхатта олишлар  
жузла ҳам содда усулда бўлиб, асосан  
мамлакатдаги ҳарбий хизматга лойиқ  
бўлган ёш ва соғом эркакларни аниқ-  
лашнинг қўлига тутган. Ҳақонини асо-  
лот кўчирилган саводсиз бўлгани учун  
бўйхатта олишларни бўлар билан  
биргача қора, кичкинчисида оқ тошчалар  
солingan қоплар олиб юртларлар. Оқ  
тошчалар аёллар сонини, қора тошча-  
лар эса эркаклар сонини билдирган.

▲ Биринчи қорсовда ҲА асрининг  
бошларида Жанубий Африкалик Виктор  
Орлик томонидан турма камерасида  
тутилган. Автомобил ҳалокатида аёл-  
ларнинг Орликка уй йил ҳам жазосига  
ҳукм қилинган эди. У турмада эри-  
кини ёш учун қозонга қалдиратилар  
қилиб, унинг ичини ҳарфлар билан  
тўлдирди. Қўларининг бирида у ўзи-  
нинг бу машғулотдан қизиқ бир нар-  
са чиқариш мумкинлигини фахрлаб қо-  
лади ва бу «жидок»ни маҳаллий газе-  
та редакциясига йборди. Зерикадан  
чиққан маҳаллий газета «жавабиди  
бўлаб ўқ-бўққа» деган бу қизиқ  
нарсани ўз саҳифасида босиб чиқарган,  
унинг тиражи кўпайиб, фўхчулар ора-  
сида машҳур бўлиб кетган. Шундан  
кейин дунёнинг турли чеккаларинда  
Орликка адрасига аказлар ёғилиб  
кедабонилди. Орликка қанчақ мул-  
латини тамомлаб турмадан чиқарила  
Жанубий Африка иттифоқининг энг  
катта банкда унинг сўғида катта  
сумма йиғилиб қолганини маълум  
бўлган.

▲ Яна оролдан гражданини ниқоҳ  
қилиш ва қўлдан-қилиш ишларида қизиқ  
бир тартиб жорий қилинган. Ўз тақ-  
дирларини қўшишни истеган йигит-қиз  
олаётган расий ишлари бажариладан  
ташқари маҳаллий маҳмуриятга 25 та  
қаламушнинг думини олиб келишлари  
керак. Қўйди-қилиш вақтида эса жари-  
ма бундан ҳам ортироқ бўлади: 40  
та қаламушнинг думини келтириш  
керак. Ойлатдан ташқари қўриқилган  
бундай «қош» шонли плакатларига  
катта эиё келтириладан қаламушларга  
қарши курашни қўлайтириш мақсадида  
Яна оролининг граждани дохиянтилари  
томонидан жорий қилинган. Маҳаллий  
дохиянтилар қаламушларга қарши ку-  
рашда қўлағиланган жузла кўп тақдир-  
лар ичин яннала бермаган ана шу  
тартибни ўйлаб чиқарганлар.

ШАМСИРОЙНИНГ СИНГЛИСИ

Мудҳиш манзарали уй. Унинг  
ичида ўз севгилисига эриша ол-  
маган ота-она томонидан зўр-  
лаб ўзга бойваччага берилган  
қиз ўтирибди. Қизнинг хаёли  
паршон. Юратига чироғ еқса  
ҳам ёришмайди. Уни на ян-  
нинг аврашлари, на қўша-қўша  
зеби-зибатлар овутади.

Бу манзара ёш рассом Раё-  
но Исматованинг дастлабки ий-  
ри асарларидан бирида тасвир-  
ланган. Рассом ўтмишдаги ўз-  
бек қизларининг ҳуқуқсизлиги,  
бахтсизлигини, руҳонийларининг  
зулминини моҳирона очиб берган.  
Раёно Тошкентдаги 1-ўрта  
мактабда ўқиб юрган кезлари-  
даёқ кичик-кичик расмларини  
иштийк билан чизарди. Ҳатто  
дошорий тазеталарга бежирим  
суратлар чизиб бериш унинг  
зиммасида эди. У ўша кезлар-  
да таланти рассом Шамсирой  
Хасайованинг устахонасига бо-  
риб, билмаганини ўрганар, унга  
расмларини кўрсатар ва усто-  
анининг самийий маслаҳатлари-  
ни олар эди. Бир неча ажойиб  
портретлари билан республика-  
мизда шуҳрат қозонган марҳу-  
ма Шамсирой Хасанова ёш  
Раёнони «санъаткор синглиси»  
деб биларди.

Раёно устозидан олган са-  
боқлари асосида портретлар,  
табиат манзараларини устали  
билан чиза бошлади. Дастлабки  
асарларидаёқ унинг истеъдоди-  
ни пайқаш мумкин эди.

Раёно Исматова ўрта мак-  
табин тугатган. Островский  
номли театр ва рассомчилик  
санъати институтига ўқишга  
кирди. Билим чашмалари уни  
ижод боғи томон етаклар экан.  
Секин-аста тўлақонли портрет-  
лар, гўзал пейзажлар, чиройли  
натурпортлар юзга кела бош-  
лади. Бундан ташқари унга  
Ўзбекистон ССР халқ рассоми  
В. И. Уфимцев, Р. Аҳмедовлар  
ҳам яннидан ёрдам берилди.  
Раёно улар билан санъат асар-  
лари ҳақида бахшланди. Бахс  
кўпроқ тема танлаш, кишилар  
характерини очин, асар госяни  
ни тамошбанига еткази билан,  
бўёқларни усталик билан бе-  
риш ҳақида борар эди.

Қўп ўтмай рассом қизининг  
асарлари кенг жамоатчиликни  
ўзига жалб қила бошлади.  
«Муштум» журидада унинг  
сатирини ва юмористик руҳдаги  
расмлари тез-тез чиқиб турарди.  
Буларда рассом порахурач,  
дангасалар, олифталар, чайқов-  
чалар, хотинбозларнинг ишонача  
олиди. Болаларнинг севимли  
журнали «Ёшлар»да ҳам Раёно-  
нинг кўнгоқ ва мазмундор  
расмлари ўқрайди.

1959 йилда Москвада бўлиб  
ўтган ўзбек санъати ва адаби-  
ти декадасида Р. Исматованинг



Суратда: Раёно Исматова ўз  
устахонасида.  
А. Абалин фотоси.

асарлари ижобий баҳоланди.  
Унинг «Врач қиз», «Хинд аё-  
ли» қабл портретлари тўлақон-  
ли асарлардандир. Бу асарлар-  
да хотин-қизлар характери у-  
сталик билан очиб берилган.  
«Ўзбекфильм» киностудияси  
нишлаб чиқарган «Маҳаллада  
дўв-дўв гап», «Синчалар»  
фильмлари қаҳрамонларининг  
костюми ёш рассом Раёнонинг  
эскизлари асосида тикилган.  
Фильм персонажларининг ҳар  
бири учун ўзига хос оригинал  
кийимлар яратилганлиги рас-  
сомнинг маҳоратини кўрсатиб  
турибди.

Раёно Исматова профессио-  
нал рассом даражасига етиш  
учун кўп ва сабот билан иш-  
ламоқда. Коммунизмнинг ул-  
кан қўриқиллари, даврийки  
қаҳрамонлари образларини яра-  
тиш йўлида тинмай ижод қи-  
либ ўз маҳоратини ошираётир.

А. ПУЛАТОВ.

ХАЛҚ ЮМОРЛАРИ

ЎЗЛАРИНИ ОҚЛАШДИ

Ота-бона хашан ўришга далага чиқишибди.  
— Уятбой! — дебди ота. — Икки киши атиги шу хашанни ўри-  
миз-а!  
— Тўғри-да! — дебди ўғил. — Сиз қари бўлсангиз, мен бўлсам  
ҳали ёшман. Шунинг учун ўрган хашамизиз кам.  
Кўш тикилган негач, инқилабши тушлик қилгани ўтиришибди.  
— Уятбой! — дебди ота. — Шунча овқатни икки киши еб қўй-  
дик-а!  
— Тўғри-да! — юпатибди ўғил. — Сиз ҳам эркак киши, мот  
ҳам эркак киши. Шунча овқатни есан ярашди.

УТА КАМТАРЛИК

\*Ута камтар бир кишининг уйига меҳмонлар келишибди. Улар  
боғдаги сўрида ўтиришса уфда тўлин ой кўринибди. Меҳмонлардан  
бири завзалиб:  
— Бугун ойнинг ажойиблигини қаранглар-а! — дебди.  
Уй эгаси шовша-пиша кўлини кўйсига қўйиб:  
— Йўғе, йўғе, ошириб юбордингиз! Жуза сиз айтганингизча  
эмас, шунчани бир ой-да, — дебди тавозе билан.



Чиланзор пойтахтимизнинг  
кўриси ва ҳўси. Бу йиринқ  
жой массиви ой сайни эмас,  
балки кун сайни обод бўл-  
моқда. Суратда: Юрий Гагарин  
проспектидаги янги квартал.  
М. Нуриддинов фотоси.

ТРАМВАЙ-ЛАЙНЕР

Икки ва уч вагонли трамвайларга қўшимиз жуза ўрганиб қол-  
ган. Тбилис шаҳрида яқин келажакда одатдан ташқари трамвай  
пайдо бўлади. Бу трамвайнинг ўртадаги вагонда галдираклар бўл-  
майди. У олдиндаги биринчи ва орқадаги учинчи вагонларга осиб  
қўйилади. Бундай трамвайда йўловчилар тўхташ жойини кўтмасдан  
вагондан вагонга ўтиб юраверадилар. Шаҳар меҳнаткашларига хиз-  
мат қилувчи бу «лайнер»га бир йўла 500 киши синади.

Иссиқлик ўтказмайдиган ойна

Жазирама ёз кунларида иссиқдан қандай жон сақлаш мумкин?  
Девор кишини иссиқдан яхши ҳимоя қилади. Аммо деразадан нур  
билан бирга иссиқлик ҳам кираяверади.

Яқинда олимлар иссиқлик-инфр қизил нурларини ушлаб қолши  
хусусиятига эга бўлган ойна яратдилар. Бу ойна кўзга ўхшаб, фа-  
қат ёруғлик нурларининггина ўтказида. Ташқарида жуза ҳам иссиқ  
бўлишга қарамай, ана шундай ойнали уйларидаги «иқлим» доим  
салқин бўлади.

Иссиқликдан ҳимоя қилувчи бу ойна Ашхободаги Ленин номли  
ойна комбинатда тайёрланади. Янги махсулот ёш ишхонда иссиқ  
келадиган ўрта Осиё шаронтида жуза қўла келади.

«ОЗОД ДУНЁ»НИНГ БАШАРАСИ

ЎҒРИЛИК АВЖ  
ОЛГАНДАН СЎНГ

Англияда галати бир чемадан нишлаб  
чиқарилди. Ўғриллар аҳжум қилган вақт-  
да пул сонинг чемадан олали мослама  
бўламанли жуза катта бўлиб қолди. Че-  
маданки уч томонга катта металл теш-  
лар ўсиб чиқди. Бундай аҳволда че-  
мадан билан ҳеч қандай машинага тушиб  
қочини мумкин эмас, бинбарини ўғирнинг  
тез қўлали гоийб бўлиши ҳам кишин. Ай-  
ни чоқда чемаданнинг ичида полиция ҳўш-  
таги қўруллаб бошлайди.

Отахонлар ғайрати билан

Пенсияга чи ққа ч, сулев, Собир Зокиров,  
қўл қовуштириб юриш  
Хидой Аъзамов ва  
бизнинг нексаларини-  
бошқа ўртоқлар Киров  
га хос одат эмас. Улар  
район ижроия комите-  
тига мурожаат қилиб,  
ҳалқ ва жамоат ишига  
ўз ҳиссаларини қўшиш-  
га ҳаракат қиладилар.  
Пойтахтимиз да ги 1-  
Кисловодский маҳалла-  
си қарияларининг ғай-  
рати бу фикрининг  
исботидир.  
Пенсионерлар а р да и  
Шарофат Аҳмедова,  
Лезаншев, Дадабой Ра-  
қўнлари маҳалла меҳ-

наткашларининг шан-  
бақилари уюштирил-  
ди. Уста Носир, уста  
Дадабой отадар қури-  
лишга бош-қош бўли-  
лар. Қисқа вақт ичида  
клуб, маҳалла идораси  
ва 50 ўринли болалар  
боғчаси бинолари қад  
кўтарди.  
Маҳалланинг янги  
клуби оммавий-сиёсий  
ишларини олиб бориш  
марказига айланди.  
Н. ЗУФАРОВ.

В. КОМАРОВ, В. ШРЕЙБЕРГ

Дайди тасмоти

— Калитни менга бердингиз, —  
деди полковник.

Шу тобда, бундай одам «иш-  
ми жуз уриб» кетган вақтларда  
блокларнинг ўрнини ўзи алмаш-  
тириб қўйганини ҳам билмай қол-  
са керак, деган фикр полковник-  
нинг ҳаёлидан лин этиб ўтди.  
Лекин, ҳар нима бўлса бўлсин...  
Бўқолган бинони алабғат топиш

Иш кабинетига борагач, Павел  
Александрович бўлиб ўтган гаплар  
ва кўрган нарсаларини ўзига ўзоқ  
вақтгача муҳомака қилиб кўрди.

Воқеалар бир-бирига чапишиб  
кетган, бу ўринда жуза ўйлаб, ў-  
сталик билан иш қўрилганга ў-  
хшайди. Иш кунининг охирида,  
Максимов кетгандан сўнг блок-  
ларнинг ўрни алмашган. Нима  
учун? Эрталаб ишга келиб бош-  
лашнинг газабига дучор бўлиш  
учунми? Шундай бўлмаса керак,  
албатта. Кечаси кимнингидир блок-  
ни ўтиришга керак бўлган. У ана  
шу ишни амалга оширган! Лекин  
муҳаллашган блокни эмас, бош-  
қасилини олиб кетган. Қандай сабаб  
билан?

Сергеев ва Брагин. Сергеевни  
Максимовнинг ўзи иш билан юбор-  
ган. Брагин-чи? Назаримда ишни  
шундан бошлаш керакка ўхшай-  
ди...

Соболевнинг ёрдамчиси Романов  
эски уйнинг эшигини анча маҳал-  
гача тақиллатди. Брагин ишлайди-  
ган уйга тўппи-тўғри кўчадан ки-  
риларди.

Ичкаридан жавоб бўлавермагач,  
Романов деразадан қарамоққа қа-  
ради. Уй эгаси столга мук тушиб  
ўтирарди. «Нима қилиб ўтиргани-  
ки, ухлайатпимикан?»

Капитан дераза ойнасини тақил-  
латди. Столга мук тушиб ўтирган  
одам қимир этмади.

Романовнинг юратига гўлгула  
тушди. Уй бошқарувчисини қа-  
ришга тўғри келди. Эсинини бузиб  
олинди.

Капитан хоната кириши биланоқ  
Брагиннинг ўлганини пайқади.  
Унинг ёнгинасида, столда астар-  
пахтаси ағдариб ташланган радио-  
деталь ётарди, мушт қилинган  
қўлида эса алаанималар ёзилган  
бир парча қоғоз. Капитан унинг  
муштини зўрга ёзиб қозонини олди.

Романов қозондан қўйилган сўз-  
ларни ўқиди: «Дада, сен менга  
ёрдам беришинг керак. Сенинг ҳў-  
зурингга...» Брагинда уни зўра-  
волик билан ўлдирганлигининг ҳеч  
қандай изи йўқ эди.

Мурдани операция қилиш учун  
тегишли жойга юборгач, Романов  
полковник Соболев олдида кетди.

— Ҳўл, яхши, — деди полков-  
ник капитан гапини тугатгач. —  
Брагиннинг ўғли ҳақидаги бор  
бўлган ҳамма маълумотларни  
аниқлашга ҳаракат қилинг.

Капитан чиқиб кетгандан кейин  
Соболев Максимовни чақир-  
тирди. Астар-пахтаси ағдарилган  
радиодетални кўриб, Максимов  
нинг капалаги учиб кетди.

— Уш! Худди ўшанинг ўзи!..  
Наҳотки, Брагин шундай қилган  
бўлса? — деди инженер ҳайрат  
ичида. У бу сўзларни негадир паст  
овоз билан айтди.

Полковник бир нафас сўз қот-  
май ўтирди.  
— Ишонин қўйин. Ахир биз  
сиз билан Брагиннинг ҳар иккала  
блок ҳам ўз ўрнида турганида ин-  
ститут территориясидан чиқиб кет-  
ганини аниқлади-ку. Кечаси бўл-  
са...

(Боши газетамизнинг 29 ноябрь  
ва 2 декабрь сонларида босилган).

— Тунда институтга кириш  
учун бутун бошлиқларни сеҳра  
турғизиш керак. Брагинда тунда  
институтга кириш учун рухсат қол-  
гози йўқ эди... Бироқ, бу блок  
қандай қилиб унинг қўлига тушиб  
қолди... Мана бу оёқошлар-чи?  
Наҳотки... Йўқ, йўқ бунга ишона-  
олмайман! Ахир у билан неча  
йиллардан бери бирга ишлайми-  
ку. Кечаси мен унинг учун ўз  
бошим билан жавоб беришга тайёр  
эдим-а...

— Бундай ишларда биринчи  
таассуротларга ҳеч қачон бери-  
маслик керак, — деди Павел  
Александрович. — Фактлар ҳар  
қанда ишонарли бўлса ҳам бундай  
ишда ҳовлиқчилик прамайди. Би-  
ласизми, ёвуз ниятли кишилар  
бўлсан худди ана шундай ҳовли-  
қидан фойдаланмоқчи бўлади-  
лар. Ҳозирча бир нарсани аниқ: ким

қўп ҳўжжатларни соҳлаштирган-  
лиқларини, агар ҳўждасалар ти-  
рик одамларни бошқалар учун  
ўлик қилиб кўрсатганлиқларини  
биларди. У Брагиннинг ўғли би-  
лан бир лагерда турган ва уни  
эслайдиган кишиларни топишга  
уруниб кўрмоқчи бўлди. Шундай  
кишилар Москвадан ўзидан ҳам  
топилиб қолса бўлади-ми! Капи-  
таннинг иши жуза ўнгидан келди:  
Романов Алексей Брагинни яхши  
ни билладиган, хатто у билан бир  
баракда яшаган кишини қидириб  
топишга мўлсагар бўлди. У капи-  
танга Алексеевнинг шамоллашдан  
ўлганини жуза ахши эслаганини  
айтди.

Романов бу гапларнинг ҳаммаси-  
ни полковник Соболевга айтиб  
берди.

Бундан ташқари, анализнинг  
кўрсатишича Максимовнинг Собо-

лековнинг ўлимида бўлган ва у  
ўзи билан блокни олиб кетган...  
Лекин ким у ва нима учун кетган?  
Энди, азизим Иван Иванович, сиз-  
дан менга ёрдам беришни нилтмос  
қиламан.

— Жоним билан. Айтнинг, мен  
нима қилишим керак?

— Энг муҳим тилингизга эҳти-  
ёт бўлинг. Ҳеч ким ҳеч нарсани  
билмаслигини керак, жўмладан Бра-  
гиннинг ўлими тўғрисида ҳам.  
Эртага сиз билан бирга кичкина-  
гина психологик тажриба қилиб  
қўришимиз керак. Эсинизда бори-  
ни, сиз менга ана бир резерва блок-  
нингиз борлигини айтган эдингиз?

— Максимов бошини қимирлатиб  
қўйди.

— Бўлмаса сиздан илтимос, ана  
шу приборни йўқолганининг ўрни-  
га қўйиб қўйсангиз. Хуллас, лабо-  
раториядаги ҳамма нарсаларни  
Сергеев у ердан чиқиб кетгандан  
пайтдагидек қилиб қўйсангиз.

— Тушундим. Сиз Сергеевнинг  
ўлими қандай тутишини кўрмоқчи-  
миз? — Иван Иванович гаптин  
эди.

— Аҳволнингизга тушунаман, бу  
сиз учун яхши эмас. Сиз ўйлай-  
сизки, бундан мен халиги Шерлок  
Холмса ўхшаб ҳўзур қиламан-  
ми? Бироқ, иложи йўқ... Бу ўрин-  
да сиз билан мен айбдор эмасмиз.

Кечга бориб капитан Романов  
баъзи нарсаларни аниқлашга му-  
ваффақ бўлди. Брагиннинг ўғли  
урушда дараксиз йўқолганини бил-  
гач, у архив идоралардан маълум-  
отлар тўплаб бошлади. Капитан,  
бундан бир неча йил муқаддам  
Брагин ҳам архивга мурожаат  
қилиб, ўғли тўғрисида қўйилган  
маълумотнинг олганини аниқлади:  
унинг ўғли уруш йилларида аспри-  
лда бўлган ва консентрацион  
лагерда турган вақтда 1943 йил-  
да вафот этган. Шундан кейин  
Брагин қайтиб архивга мурожаат  
қилмаган.

Аммо Романов фашистлар жуза

Телевизор

12.00 — Аркадий Гайдар қаҳрамонлари  
эвралда» (рус тилида), 13.30 — Болалар  
носон балли филми (ўзбек тилида), 16.30  
— Балтиморини қўлайми (болалар учун  
ўзбек тилида), 18.30 — Телевизион ани-  
маклар (ўзбек тилида), 18.45 — Бугун  
СССР Конституцияси кўни (ўзбек тилида),  
19.10 — Батаи куйлари (ўзбек тилида)  
адаб-музыка эинтивриши), 20.30 — Те-  
левизион янгиликлар (рус тилида), 20.45 —  
Советский спорт киножурнали (рус тили-  
да), 20.55 — Фильм-спектакль (В. Дерю-  
кин асари асосида, рус тилида).

6 ДЕКАБРДА

18.30 — Дўстларинг (болалар учун рус  
тилида кинофильм), 18.45 — Ўзбекистон  
ёш композиторлари студиясида (рус тили-  
да), 19.15 — Телевизион янгиликлар  
(рус тилида), 19.30 — Коммунизм қуриш  
узуг программаси (КПСС XXII съезди  
материалларини ўргатувчилар учун ўзбек  
тилида лекция), 19.50 — Довон номли  
кинопоэзия (рус тилида), 21.10 — Телеви-  
зион аниқликлар (ўзбек тилида), 21.25 —  
«Дала малликеси»нинг аълоши» (ўзбек  
тилида, илмий-оммабоп фильм), 21.40 —  
Хаал театри бор жойда (музыкали эинти-  
риши).

Театр

НАВОНИ НОМЛИ ТЕАТРДА  
— 5/ХII да Концерт, 7/ХII да  
Масхарабозлар ва концерт бўли-  
ми.

ХАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА  
— 5/ХII да эрталаб ва кечқурун  
Шўбха, 6/ХII да Гамлет, 7/ХII да  
Фурқат.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ-  
ДА — 5/ХII да Совет цирки уста-

леяга берган калитдан кимдир  
шакл олганлиги маълум бўлди.  
Бунда номатлум одам мўм ёни  
пиширилган қатрондан эмас, балки  
деярлик из қолдирмайдиган қан-  
дайдир жуза ёпишқоқ пластин  
массадан фойдаланган. Спектро-  
скоплар бунинг устида анчагина  
бош қўтирдилар.

Музда тўғрисидаги маълумот  
ҳам полковникка келтириб берил-  
ди. Брагиннинг ўлими табиий бў-  
либ чиқди — ифариқт натижаси-  
да эрталаб соат еттиларда жони  
узилган экан...

Эртасига эрталаб техник Серге-  
ев лабораторияга кириб келганида  
бошлиқ ўз ўрнида эди. У ним  
биландир суҳбатлашиб ўтирарди.

— Мана бу сизнинг бугунги  
вазифангиз. Олинг, — деди Мак-  
симов бир арақ қозони Сергеев-  
га узатар экан. — Ҳўзир мен  
байдман. Сафарингиз тўғрисида  
кейинроқ гапириб бераман.

Максимов суҳбатдошига радио  
схемани тушунтиришда давом эт-  
ди. Суҳбатдош бўлса қар замон  
«ха, тўғри, тушунаяман...» деб  
қўярди.

Сергеев ўз иш жойига бориб  
ўтирди.  
Олдин у яшидан баъзи детал-  
ларни олиб столга терабоблади.  
Кейин папирос тутатди. Паянлик-  
ни тоқна қўла қўйди. Сўнгра Мак-  
симов берган қозонни диққ